

Хотира ва касб малакаларини эгаллаш масалалари

Маъруза режаси

- ▶ 1. Хотира ва унинг турлари
- ▶ 2. Хотира қонунлари
- ▶ 3. Хотирани ривожлантириш йўллари

Хотира ва унинг турлари

- ▶ Биз сезган, идрок қилган нарсалар из қолдирмасдан йўқолиб кетмайди, балки маълум даражада эсда олиб қолинади, яъни эсимизда сақланиб қолади ва қулай шароитда ёки керак бўлганда эсимизга тушади.

- ▶ **Хотира** — бу тажрибамизга алоқадор ҳар қандай маълумотни эслаб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унутиш билан боғлиқ мураккаб жараёндир. Хотира ҳар қандай тажрибамизга алоқадор маълумотларнинг онгимиздаги аксидир.
- ▶ Инсон хотирасининг яхши бўлиши, яъни қис-кечинмаларимиз, кўрган-кечирганларимизнинг мазмуни тўлароқ миямизда сақланиши қуйидаги омилларга боғлиқ:

эсда сақлаб қолиш билан боғлиқ
ҳаракатларнинг яқунланганлик даражасига;

шахснинг ўзи шуғулланаётган ишга нечоғлик
қизиқиш билдираётганлиги ва шу ишга
йўналганлигига;

шахснинг бевосита фаолият мазмуни ва
аҳамиятига муносабатининг қандайлигига;

1


- шахснинг айна пайтдаги кайфиятига;

2

- иродавий кучи ва интилишларига

- ▶ ***Хотиранинг самарадорлиги эслаб қолишнинг кўлами ва тезлиги, эсда сақлашнинг давомийлиги, эсга туширишнинг аниқлиги билан боғланади. Демак. одамлар ҳам айнан шу сифатларга кўра ҳам фарқланадилар***

материални тезда
эслаб қоладиганлар



материални узок
вақт эсда
сақлайдиганлар




истаган пайтда
осонлик билан эсга
туширадиганлар

- ▶ Тўғри, олий нерв тизими, унинг ўзига хос ишлаш хусусиятлари хотиранинг ўзига хос индивидуал услубини белгилаши мумкин. Лекин ҳаётда кўпинча шахснинг билиш жараёнлари ва сезги органларининг ишлаш қобилиятларига боғлиқ тарзда ажралиб турадиган типлари ҳақида гапиришади. Масалан, айрим одамлар кўрган нарсаларини жуда яхши эслаб қолади, демак, уларнинг *хотираси кўрғазмали — образли* бўлиб, кўзи билан кўрмагунча, нарсанинг моҳиятини тушунмайди ҳам. Бошқалар эса ўзича фикрлаб, номини айтиб, мавҳум тарзда тасаввур қилмагунча, эслаб қолиши қийин бўлади. Бундайлар *сўз — мантиқий хотира* тип вакилларида.

Хотирани ривожлантириш йўллари

- ▶ Хотирани ривожлантириш масаласи психологиядаги, нафақат психологиядаги, балки инсониятнинг олдида турган долзарб муаммодир. Айниқса, у ёки бу таълим масканларида ўқийдиган ҳар бир ўқувчи ёки талаба учун ҳам бу жуда муҳим нарса: ким эшитган ёки кўрган нарсасининг мазмунини тўла эслаб қолиб, кейин шериклари ёки ўқитувчисини лол қилишни хоҳламайди дейсиз? Шунинг учун ҳам ушбу мавзуда амалий жиҳатдан маъқул ва мумкин бўлган айрим тавсияларга эътиборни қаратамиз.



▶ Шу ақлий ишни амалга оширсак, албатта, хотирамиз иши самарали бўлади ёки ёшликдаги бир эртақ ҳаммага таниш: чол турп эккан ва у шу қадар катта бўлиб кетганки, ўзи яққа ҳеч уни тортиб чиқара олмайди. Шунда у кампирни, кампир — набирасини, набира — кучукни, кучук — мушукни, мушук эса сичқончани чақириб, биргаликда жўр бўлишиб, тортиб олишади. Нега бу эртақнинг маъно-мазмуни ёддан чиқмайди, чунки ундаги воқеалар замирида бирин-кетин амалга ошадиган воқеалар занжири мавжуд. Шу бирин-кетинлик қонуни энг каттадан энг кичкина бўлган жонзотнинг биргаликдаги, дўстона узвийлиги ётади. Бу эртақда нафақат тарбиявий маъно бор, бу ҳам муҳим, балки унда юқорида таъкидлаганимиз — гуруҳий ўзаро боғлиқлик тамойили бор.